

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

**«Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия
ҳисоби ва статистика асослари»
фанидан амалий машғулотлар ўтказиш бўйича услубий**

К Ў Р С А Т М А

АНДИЖОН-2015

Тузувчилар: катта ўқитувчи
ассистент

А.Комилов
К. Уришев

Такризчилар,
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси
катта уқитувчиси, и.ф.н:

С. Махмудов

Иқтисодиёт ва бошқарув кафедраси
доценти, и.ф.н:

О.Шерматов

Ушбу услубий кўрсатма 5410300-Ўсимликлар ҳимояси ва карантин, 5410200-Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича) бакалавриат йўналиши учун 5411000 – Мева-сабзавотчилик ва узумчилик бакалавриат йўналишлари талабалари ҳамда 5111000 – Касб таълими (5410200-Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича)) бакалавриат йўналиши учун мўлжалланган.

Ушбу услубий кўрсатма ____ ____ ____йилдаги ____-сонли кафедра йиғилишида кўриб чиқилиб тасдиқланган.

Кафедра мудири, и.ф.н.:

М.Хожибоев

Услубий кўрсатма Иқтисодиёт ва бошқарув факултети ўқув-услубий Кенгашининг _____.____.2015 йилдаги ____–сонли йиғилишида кўриб чиқилиб тасдиқланган.

Услубий кенгаш раиси, и.ф.н:

Д.Тошпўлатов

Услубий кўрсатма институт ўқув-услубий Кенгашининг _____.____.2015 йилдаги ____–сонли йиғилишида кўриб чиқилиб тасдиқланган.

Услубий кенгаш раиси, доцент:

Б.Тўхтамишев

Кириш.

Мустақиллик тарихига назар ташлар эканмиз, мамлакатимизда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, дунё жамоатчилиги тан олган ютуқ ва марраларимиз билан фахрлансак арзийди. Биз бўлғуси бухгалтерлар сифатида шу соҳада амалга оширилган ўзгаришларни яққол ҳис этамиз. Бугун ушбу соҳа мутахассислари ўз касбий маҳоратини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бугун Ўзбекистонда унинг минтақавий, миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда иқтисодий соҳадаги бозор муносабатларига асосланган ўсишни эътироф этган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг халқаро иқтисодий интеграция, глобаллашув жараёнига мослаштирилган тамомила янги бухгалтерия ҳисоби тизими яратилди. Энг асосийси бу тараққиёт жараёнида давлат бош ислохотчи бўлиб ташаббус билан чиқди. Бу эса бухгалтерия ҳисоби соҳасида янгидан-янги ютуқлар гарови бўлди.

“Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тутган ўрнини холис ва танқидий баҳолар эканмиз, биз эришган ютуқларимизга махлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислохотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга – тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз”¹

Президентимизнинг ушбу кўрсатмалари иқтисодий ривожланиш ва ўзгаришларга мослашиб бориши зарурлиги тарих исботлаган бухгалтерия ҳисоби учун айниқса муҳимдир. Ҳаётимиз бир жойда тўхтаб турмаслиги инсоният тараққиёт сари интилиши давом этар экан, бизнинг соҳамизда бу жараён яққол намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва мулкӣ ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бу маълумотларнинг ишончилиги ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига ҳўжалик фаолиятини бошқариш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

“Кишлоқ ҳўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари” фанини ўзлаштириш жараёнида талабалар иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларидаги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, уни юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ўрганадилар. Жумладан, талабалар улардаги маблағлар ва маблағларни ташкил топиш манбаларини ҳўжжатлаштириш тартибини, молиявий натижаларни шакллантириш ва ҳисоботлар тузиш бўйича амалдаги қонун ва қарорлардан ҳамда меъёрий ҳўжжатлардан фойдаланиш қўникмасини эгаллайдилар.

¹. Президент И. А. Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилidir” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 235-сон

Бозор иқтисодиёти даврида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини халқаро амалиётидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва юритишни ўрганишда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асос қилиб олинади. Шунингдек, фанни ўрганишда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда иқтисодий адабиётлардан кенг фойдаланилади.

Ушбу услубий кўрсатмаларда Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари фанига оид янгиликларни ҳисобга олган ҳолда турли машқлар акс эттирилган бўлиб 5410300-Ўсимликлар ҳимояси ва карантин, 5411000 – Мева-сабзавотчилик ва узумчилик бакалавриат йўналишлари ҳамда 5111000 – Касб таълими (5410200-Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича)) бакалавриат йўналиши учун мулжалланган.

Мавзу: Бухгалтерия ҳисобининг моҳияти, предмети ва методи

Машғулотнинг мақсади: Ҳисоб турлари, корхона маблағлари ва уларни ташкил топиш манбааларини аниқ маълумотлар асосида туркумланишини ўрганиш.

Ҳисоб кишилиқ жамияти бошидан кечирган барча ижтимоий-иқтисодий даврларда мавжуд бўлган. Хар бир давр ҳисоби мазмун ва аҳамияти, шакли билан фарқ қилиб, ўша даврнинг ишлаб чиқариш салоҳияти билан белгиланган.


Амалга оширилаётган хўжалиқ жараёнларини кузатиш, уларни тартибга солиш, ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида оператив, статистик, бухгалтерия ҳисоби каби ҳисоб турларидан фойдаланилади. Ҳисоб турининг қайси биридан фойдаланиш тартиби кузатиш олдига қўйилган мақсад билан олиб борилади.


Оператив ҳисоб. Бу ҳисоб ёрдамида амалга ошириладиган муомалаларни маълум бир белгиланган вақт давомида кузатиш ишлари амалга оширилади.

Статистик ҳисоб. Бу ҳисоб халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг ишлатилмоқда. Статистик ҳисобнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ҳисоб турида амалга оширилган кузатиш тўлиқ амалга оширилади. Кўпроқ бу ҳисоб турида турли хўжалиқ жараёнларини ўрганиш ташкил қилади. Статистик ҳисоб ёрдамида амалга оширилган хўжалиқ муомалаларини гуруҳлаш ёки соҳанинг иқтисодий-ижтимоий ўзгаришини ҳисобга олиш учун асос яратади.

Бухгалтерия ҳисоби. Хар бир хўжалиқ юритувчи субъект ўз фаолиятини рўйхатдан ўтган, тасдиқланган Низом асосида олиб бориш учун жавобгардир. Ўз навбатида мулкни тўлиқлиги, жойланиши ва ташкил топишини ўз назоратига олади. Бу вазифани бажарилиши биринчидан, мулк эгасини тегишли маблағлар ўрганиш учун асос яратади.

Хўжалиқ маблағлари (активлар), уларнинг манбалари (пассивлар) ва маблағларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги доиравий айланиши ҳамда фаолият натижалари бухгалтерия ҳисобининг предметиدير.





Бухгалтерия ҳисобининг методи деб, мазкур фан предмети ўрганиш учун қўлланиладиган усулларнинг илмий асосланган тизимига айтилади.

Бухгалтерия ҳисобининг усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Хужжатлаштириш.
2. Инвентаризация.
3. Баҳолаш.
4. Калкуляция
5. Счётлар тизими
6. Икки ёклама ёзув.
7. Баланс
8. Хисобот

1-машқ. Келтирилган жараёнларни ҳисоб турлари бўйича гуруҳланг.

Ҳисоб турлари:

Оператив(тезкор) ҳисоб;

Статистик ҳисоб;

Бухгалтерия ҳисоб.

Машқни бажариш учун маълумотлар.

Корхона фаолияти вужудга келадиган жараёнлар:

1. Ишлаб чиқариш цехи бошлиғи таъминот бўлимига кейинги ойга хом ашёни олиш учун буюртма берди.
2. Корхона раҳбари телефон орқали бир ҳафта ичидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотларни сўради.
3. Ходимлар бўлими бошлиғи корхона ходимлари билан сўровини ўтказилиши ҳақидаги топшириқни олган.
4. Корхона раҳбарга ҳар бир цех бошлиғи жорий ҳисобот даврида маҳсулотни ўртача ишлаб чиқарилиши ҳақидаги маълумотларни тақдим этдилар.
5. Омбор мудирини фактура асосида тайёр маҳсулотларни сақлашга қабул қилиб олди.
6. Кассир корхона ходимга хизмат сафари учун ҳисобдорлик суммасини берди.
7. Корхона раҳбари ходимлари меҳнатига ҳақ тўланганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлди.
8. Корхона кассасига харидорлардан сотиб олинган маҳсулот учун нақд пул топширилди.
9. Таъминот бўлими бошлиғи корхона раҳбарига бир ой ичида қилинган ишларнинг натижалари ҳақида ахборот берган.
10. Бош муҳандис корхона раҳбарига бир ой ичида электро-энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳақида ахборот берган.

2-машқ. Берилган маълумотлар асосида хўжалик маблағларини туркумларга ажратинг.

Машқни бажариш учун маълумотлар. Хўжалик бўйича ой бошига қуйидаги маблағлар мавжуд.

Дон омборлари; молхона биноси; идора биноси; клуб биноси; ишчи ва маҳсулдор хайвонлар; ем-хашак; стадион; минерал ўғит ва захарли химикатлар; ёқилғи мойлаш материаллари; трактор ва комбайнлар; қишлоқ хўжалик машиналари; эҳтиёт қисмлар; идора ҳисоблаш машиналари; юк автомобиллари; ҳисобдор шахсларнинг қарзи; кассадаги пул маблағлари; омбордаги тайёр маҳсулотлар; харидор ва буюртмачиларнинг қарзи; жорий ҳисобдаги пул маблағлари; банкдаги бошқа ҳисобдаги пул маблағлари; ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонлар; умумжой бинолари; валюта ҳисобидаги пул маблағлари; қурилиш материаллари; кўп йиллик дарахтлар;

3-машқ. Хўжалик малағларининг манбаларини таснифи ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Берилган маълумотлар асосида манбаларни уларнинг турлари ва ташкил топиш жойлари бўйича гуруҳларга ажратинг

Корхона маблағларининг ташкил топиш манбалари:

1. Ўз маблағларининг манбалари.
2. Қарзга олинган маблағларининг манбалари ёки мажбуриятлар.

Машқни бажариш учун малумотлар.

1. Устав капитали.
2. Метал комбинатига ортиб жўнатилган турба учун қарздорлик суммаси.
3. Резерв капитали.
4. 11-сонли автотранспорт корхонасига кўрсатилган хизмат учун қарздорлик суммаси .
5. Пардозлаш цехи ишчиларига иш ҳақи тўлаш бўйича қарздорлик суммаси.
6. Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда
7. “Таминот- сотиш” фирмасига машиналарни тамирлаш учун эҳтиёт қисмлари бўйича қарздорлик суммаси.
8. Банкнинг қисқа муддатли қарзлари.
9. Чиқиндиларни сотишдан олинган фойда.
10. Хизмат сафари бўйича ҳисобдор шахсдан қарздорлик суммаси.
11. Тақсимланмаган фойда.
12. электр энергияси учун қарздорлик суммаси.
13. Олинган банк кредитлари бўйича қарздорлик суммаси.
14. Сув таъминоти корхонасига истеъмол қилинган сув учун қарздорлик.

4-машқ. Хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ўртасидаги фарқни ўзлаштириш.

Қуйида берилган хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини гуруҳланг:

Хисобдор шахсларга тўланадиган қарзлар	Минерал ўғит
Харидорлардан олинадиган счётлар	Касса
Тақсимланмаган фойда	Бино
Қисқа муддатли банк кредити	Еҳтиёт қисмлар
Тайёр маҳсулот	Ҳисоб-китоб счёти
Устав капитали	Таъсисчиларга қарз
Валюта счёти	Бюджетга тўловлар бўйича қарз
Ходимларга меҳнат ҳақи бўйича қарз	Автомобил
Узоқ муддатли банк кредити	Материаллар
Савдо маркаси	Резерв капитали
Товарлар	Молетказиб берувчиларга тўланадиган счётлар

Гурухлаш натижаларини куйидаги жадвалда акс эттиринг ва шархланг.

Маблағларнинг таркиби		Маблағлар манбалари	
Узоқ муддатли	Жорий	Ўз маблағлари	Мажбуриятлар

5-машқ. Берилган маълумотлар асосида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини гурухларга ажратинг.

20__йил 1 январ ҳолатига Наврўз кичик корхонасининг маблағлари куйидагича.

№	Маблағларнинг турлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари	Сумма
1	Ёқилғи	230000
2	Омбордаги тайёр маҳсулот	1654000
3	Устав капитал	18304000
4	Тақсимланмаган фойда	12300000
5	Ишлаб чиқариш асбоб ускуналари	1206000
6	Кассада пул маблағи	4000
7	Асосий материаллар	9406000
8	Ходимларга меҳнат ҳақи бўйича қарз	864000
9	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	20400000
10	Банкдаги ҳисоб-китоб ҳисобидаги пуллар	18000000
11	Ёрдамчи материаллар	1321000
12	Бино ва иншоотлар	18000000
13	Инвентарлар	540000
14	Бошқа асосий воситалар	1920000
15	Бошқа материаллар	1245000
16	Мол етказиб берувчилардан бўлган қарз	300000
17	Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари	1218000
18	Бюджетга тўловлар бўйича қарз	2576000

Қуйидаги жадвалдан фойдаланиб хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини гуруҳланг.

Маблағларни тури	Сумма
1. Узоқ муддатли активлар. а) Ишлаб чиқаришдаги асбоб ускуналар б) в)	1206000
Жами узоқ муддатли активлар	
2. Жорий активлар а) ёқилғи б) в)	230000
Жами жорий активлар	
Жами хўжалик маблағлари	54744000
Хўжалик маблағларни ташкил топиш манбалари	
1. Ўз маблағлар манбалари а) Устав капитали б) в)	18304 000
Жами ўз маблағлар манбалари	
2. Мажбуриятлар а) Банкнинг қисқа муддатли кредитлари б) в)	
Жами мажбуриятлар	
Жами хўжалик маблағларни ташкил топиш манбалари	54744000

Гуруҳларда ечиш учун тест саволлари.

1-гуруҳ учун:

1. Ҳисоб турлари:

- А. бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоби.
- Б. тезкор ҳисоб, статистика ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби.
- В. молиявий ҳисоб, статистика ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби.
- Г. молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, статистика ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби.

2. Ҳисобда қўлланиладиган ўлчов бирликлари.

- А. натура, меҳнат, пул ўлчов бирликлари.
- Б. тонна, меҳнат, натура ўлчов бирликлари.
- В. киймат, меҳнат, натура ўлчов бирликлари.
- Г. натура, вақт, пул ўлчов бирликлари.

3. Молиявий ҳисобот стандартларига бўлган эҳтиёжга нима сабаб бўлди ?

- А. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларига бир хилди ёндашиши.
- Б. Инчестиция қўишни осонлаштириш .

В. Бухгалтерия ҳисоби юритишни осонлаштириш.

Г. Ҳисоботлар тузишни енгиллаштириш.

4. Хўжалик ҳисобини қандай тавсифлайсиз?

А. Хўжалик фаолиятининг ривожланиш истиқболларини аниқлайди.

Б. Хўжалик фаолиятини миқдорий акс эттиради.

В. Хўжалик фаолиятини сифат жиҳатдан тавсифлайди.

Г. Нотўғри жавоб йўқ.

2-гурӯҳ учун:

1. Мамлакатимизда қайси ҳисоб устун мавқега эга?

А. Молиявий ҳисоб.

Б. Бошқарув ҳисоби.

В. Солиқ ҳисоби.

Г. Статистик ҳисоб.

2. “Харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом” қачон тасдиқланган?

А. 1992 йил.

Б. 1996 йил.

В. 1999 йил.

Г. 2000 йил.

3. Бухгалтерия ҳисоби-бу:

А. Субъектнинг иқтисодиёти тўғрисида миқдорий (молиявий) маълумот берувчи ахборот тизимидир.

Б. Иқтисодий ахборотни аниқлаш, назорат қилиш, ўлчаш ва узатиш жараёнидир.

В. Чекланган ресурслардан фойдаланиш усулини танлаб олишда зарурдир.

Г. Барча жавоблар тўғри.

4. Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ким жавобгар?

А. Бухгалтер.

Б. Раҳбар.

В. Бухгалтер ва раҳбар.

Г. Бухгалтерия ходимлари.

3-гурӯҳ учун:

1. Бухгалтерия ҳисоби қандай вазифани бажаради?

А. Стандартларга асосан субъектнинг ички ҳисобини юритади.

Б. Ҳисоб сиёсатига асосан субъектнинг ҳисобини юритади.

В. Субъект раҳбарининг буйруғига асосан ҳисобни юритади.

Г. Қонун, Низом ва стандартларга таянган ҳолда тузилган ҳисоб сиёсатига мувофиқ субъект фаолиятининг ҳисобини юритади.

2. Ҳисоб турлари нечта?

А. 3 та.

Б. 5 та.

В. 4 та.

Г. 7 та.

3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун қачон чиққан?

- А. 1992 йилда.
- Б. 1996 йилда.
- В. 1999 йилда.
- Г. 2000 йилда.

4. Оператив ҳисоб юритиш учун ҳужжатлар намунаси борми?

- А.йўқ.
- Б. бор.
- В. тузилмоқда.
- Г. тасдиқланмаган.

Мавзу: Бухгалтерия баланси, счётлар ва икки ёқлама ёзув.

Машғулотнинг мақсади: Корхоналар бухгалтерия балансининг шакллари, уларнинг тузилишини ва таркибини, бухгалтерия ҳисоби счётларини туркумлашни, иккиёқлама ёзувнинг аҳамиятини ўрганиш, шунингдек, счётлар билан баланс ўртасидаги боғлиқликни, синтетик ва тахлилий ҳисобларни аҳамиятини тушунтириш.

«**Баланс**» сўзи лотинча бўлиб, унинг айнан таржимаси «бис» икки қарра ва «ланс» тарози паласи яъни тарози икки палласининг тенглиги деган маънони билдиради. Хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши, ҳаракати ва уларнинг вужудга келиш манбаларидаги ҳамда мақсадли тайинланишидаги ўзгаришларни бир-бирига солиштириб, маълум бир санага қиймат ифодасида умумлаштирган ҳолда акс эттириш усули бухгалтерия баланси дейилади.

Бухгалтерия балансининг икки томони актив ва пассив деб аталади. Активда икки бўлим мавжуд бўлиб, 1-бўлим “Узоқ муддатли активлар” деб аталса, 2-бўлим “Жорий активлар” дейилади. Пассив ҳам икки бўлимдан иборат бўлиб унинг биринчи бўлими “Хусусий капитал”, иккинчи бўлими “Мажбуриятлар” деб аталади.

Бухгалтерия баланси қуйидаги тартибда туркумланади:

1. Тузиш манбаси бўйича
2. Мулкчилик шакли бўйича
3. Ахборот ҳажми бўйича
4. Тузилиш вақти бўйича
5. Тақдим этиш вақти бўйича
6. Ҳуқуқий мақоми бўйича
7. Қайта ташкил этиш тартиби бўйича
8. Тузилиш шакли бўйича
9. Софлик даражаси бўйича
10. Фаолият тури бўйича
11. Тармоқлар бўйича
12. Тузиш усули бўйича

Балансининг актив ва пассив томонларидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларидаги кўрсаткичлари бухгалтерия счётларидан олинади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида ўз ифодасини топган маълумотлар (суммалар) ҳисобот даврининг охирига ҳар бир счёт бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланиб, унинг ҳисобот давридаги ойлик айланиши, ой охирига қолдиғи


аниқланади. Яъни ҳар бир счёт бўйича юритиладиган журнал-ордерларидаги ёзувлар тартибга олиниб, қолдиғи кўрсатилади. Бухгалтерия балансини ҳисобот даври учун тузиш тегишли тайёргарлик ишларидан бошланади. Бундай тайёргарлик ишларига синтетик ва аналитик счётлардан ёзувларни бир-бири билан таққослаш, тўғрилигини таъминлаш, ойлик айланишларини ҳар бир счёт бўйича ҳисобланиб, ҳисобот даври охирига қолдиқларни аниқлаш, ҳисобот давридаги айланиш ва қолдиқларни бош дафтарда акс эттиришлар кабиларни киритишимиз мумкин.

Бухгалтерия балансини тузиш учун асосий маълумотлар бевосита счётлардан олинади. Ҳисобот даврининг охирида ҳар бир счётнинг охириги, яъни ҳисобот даври бўйича қолдиғи аниқланади. Ана шу қолдиқ бухгалтерия балансининг тегишли моддаларида ўз ифодасини топади.

Бухгалтерия балансида хўжалик операциялари таъсирида рўй берадиган ўзгаришларни аниқлашдан асосий мақсад биринчидан маблағларни тўлиқлигини назорат қилиш бўлса, иккинчидан уларни турлари бўйича мулк эгасини хабардор қилишдир

Хўжалик операциялари таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришларни тўрт хилдаги ўзгаришга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик муомалаларининг баланс тузилиши ва валютасига таъсири



Бухгалтерия ҳисобининг счётлари — бу хўжалик маблағлари, маблағларнинг манбалари ва хўжалик жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш учун зарур ахборотга эга бўлиш мақсадида, уларни дастлабки хужжатлар маълумотларига асосан жорий тартибда ҳисобга олиш, гуруҳлаш ва бир тизимга келтириш усулидир

Актив счётлар чизмаси

ДТ	КТ
Бошлангич колдик	
Кўпайиш (+)	Камайиш (-)
Охирги колдик	

Пассив счётлар чизмаси

ДТ	КТ
	Бошлангич колдик
Камайиш (-)	Кўпайиш (+)
	Охирги колдик

Бухгалтерия счётларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларда маблағлар ҳаракати кунга, ойга бўлган ўзгаришларни миқдорий ва пул ўлчов бирликларида ифодалашни кўрсатади, кейинги хусусияти маблағлар ҳолатини назорат қилиш исталган санага баланс тузиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида амалга оширилган хўжалик операциялари маълум кетма-кетликда, узлуксиз белгиланган тартибда ҳужжатларга асосланган ҳолда олиб борилади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби счётларида амалга оширилган хўжалик операцияларини акс эттиришда асос бўлиб, амалга оширилган хўжалик операциясини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Ҳар бир счёт бир турли маблағлар ҳаракатини ҳисобга олиш учун белгилангандир.

Бухгалтерия ҳисоботини юритиш учун асос қилиб моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари олинади ва бу ҳисоботларда кўрсатилган манбаларнинг ўзгариши белгиланган бухгалтерия ҳисоби счётларида ўз ифодасини топади ва икки ёқлама ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Икки ёқлама ёзув деб бир хил суммани бир счётнинг дебети ва иккинчи бир счётнинг кредитига ёзилишига айтилади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларини жойланиши ва тузилишига қараб туркумлашдан асосий мақсад қайси счётда нималар ҳисобга олинади, маҳсулот таннархи қандай аниқланади, ҳаражатларни йиғиб бориб ва бу ҳаражатларлар қайси счётларда йиғилади, таннархга ўтказиш тартиби қандай деган саволга жавоб олишдир. Бухгалтерия ҳисоби счётларини тайинланиши ва тузилишига қараб туркумлашга кўра счётлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Асосий счётлар.
2. Тартибга солувчи счётлар.
3. Йиғилиб тақсимловчи счётлар.
4. Калкуляция счётлар.
5. Таққословчи счётлар.
6. Балансдан ташқаридаги счётлар.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз маблағларини тўлиқлигини, ундан самарали фойдаланишни назорат қилиб бориш мақсадида синтетик ва аналитик счётлардан фойдаланади. Синтетик счётлар деб, маблағлар ҳаракатини пул ўлчов бирликларида ҳисобга олиб, уни умулаштирувчи счётлар тизимида айтилади.

Аналитик счётларнинг асосий вазифаси синтетик счётларда кўрсатилган маблағлар ҳаракатини уларни турлари бўйича алоҳида-алоҳида маълумот беришдир. Синтетик счётлардаги ёзувларни турлари бўйича таркибий қисмларга бўлиб ўрганувчи счётлар аналитик счётлар деб айтилади.

6-машқ. Ҳисобот даври бошидаги баланс маълумотлари ва хўжалик операцияларидан фойдаланиб, ҳисобот даври охирига балансни тузинг.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

1. Асосий воситалар – 35000 минг сўм
2. Материаллар - 10000 минг сўм
3. Устав капитали – 40000 минг сўм.
4. Банкнинг қисқа муддатли кредити – 2000 минг сўм
5. Ҳисоб-китоб счёти – 4000 минг сўм
6. Омбордаги тайёр маҳсулот – 900 минг сўм
7. Фойда – 3000 минг сўм.
8. Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб китоблар – 500 минг сўм.
9. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар – 4500 минг сўм
10. Касса – 100 минг сўм

Ой мобайнидаги хўжалик операциялари.

№	Мазмуни.	Сумма (минг сўмда)
1	Кассадан ҳисобдорлик суммаси берилди	100
2	Фойданинг бир қисми таъсисчиларнинг фармойиши бўйича резерв капиталига қўшилди	1500
3	Мол етказиб берувчилардан омборга материаллар қабул қилиб олинди	15000
4	Қиска муддатли кредитнинг бир қисми банкка қайтарилган (ҳисоб-китоб счётидан туланди)	1000
5	Ишлаб чиқаришга хом ашё берилди	120

7-машқ. Хўжалик жараёнлари таъсирида балансда бўладиган ўзгаришларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш. Берилган маълумотлар асосида баланс тузинг ва балансда бўладиган ўзгариш турларини аниқланг.

20____ йил март ойига корхона баланси маълумотлари

1. Асосий воситалар
 - бошланган қиймати - 80000000
 - эскириш - 25000000
2. Номоддий активлар
 - бошланғич қиймати
 - эскириш
 - қолдиқ қиймати
3. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар - 20 000 000
4. Устав капитали - 50 000 000
5. Мақсадли молиялаштириш - 6 000 000
6. Келгуси давр харажатлари ва тўловларни қоплаш резерви - 35 000 000
7. Захира капитали - 30 000 000
8. Ишлаб чиқариш захиралари - 107 000 000
9. Тугалланмаган ишлаб чиқариш - 60 000 000
10. Келгуси давр харажатлари - 5 000 000
11. Тайёр маҳсулот - 3 000 000
12. Касса - 500 000
13. Ҳисоб –китоб счёти - 60 000 000
14. Дебеторлар билан ҳисоб-китоблар:
 - товарлар ва хизматлар учун - 25 500 000
15. Мол етказиб берувчилардан қарз - 115 000 000
16. Иш хақи бўйича қарз - 16 000 000
17. Бюджетдан қарз - 45 000 000
18. Суғурта бўйича қарз - 20 000 000
19. Бошқа кредиторлик қарзлар - 19 000 000

20__ йил март ойидаги хўжалик жараёнлари.

Услубий кўрсатма.

1.Балансда бўладиган ўзгариш турларини жадвалда келтирилган шаклда бажаринг.

Жадвал № 1

№	Хўжалик жараёнларининг мазмун	Сумма	Баланснинг ўзгариши				Ўзга- риш
			Актив		Пассив		
			+	-	+	-	
1	2		3	4	5	6	7
1	Корхонага қайтариб олмаслик шарти билан (бепул) асосий воситалар қабул қилинди	2000000					
2	Корхона ишчиларига иш ҳақи тулаш учун ҳисоб-китоб счётидан кассага пул олинди	1000000					
3	Корхона ишчиларига кассадан иш ҳақи тарқатилди	950000					
4	Олинмаган иш ҳақи корхонанинг ҳисоб-китоб счётига қайтарилди	50000					
5	Омбордан ишлаб чиқаришга материаллар берилди	3000000					
6	Омбордан ишлаб чиқаришга ёқилги берилди	700000					
7	Маҳсулот тайёрлаш билан банд бўлган ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди	1400000					
8	Иш ҳақидан солиқлар ушлаб қолинди	130000					
9	Омборга асосий материаллар қабул қилинди	3500000					
10	Мол етказиб берувчилардан бўлган қарздорлик корхона ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилди	3000000					
11	Ҳисоб-китоб счётидан бошқа кредиторлардан бўлган қарздорлик ўтказиб берилди	1000000					
12	Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди	10000000					

8-машқ. Инвентаризация рўйхати маълумотлари бўйича 1 январ 20__ йилга хўжаликнинг бухгалтерия счётларида қуйидаги қолдиқлар мавжуд.

№	Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари	Сумма (м.с.)	Изоҳ
1	Асосий воситалар	883150	
2	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар.	303360	
3	Устав капитали	1013510	
4	Ёқилғи	4720	
5	Фойда	89930	
6	Тайёр маҳсулотлар	21580	
7	Хисоб-китоб счёти	105300	
8	Иш ҳақи бўйича қарз	198500	
9	Бюджет билан хисоб-китоблар	6870	
10	Хом-ашё материаллар	15000	
11	Кассадаги пул маблағлари	100	
12	Хисобдор шахсларнинг қарзи	50	
13	Махсус фондлар	415150	
14	Банкнинг қисқа муддатли кредити	10000	
15	Ехтиёт қисмлар	150000	
16	Ижтимоий суғуртма органлари билан ҳисоблашишлар	5000	
17	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	255700	

Масалани охириги устунига (изоҳга) ҳар бир қайси маблағнинг ва улар манбаларининг рўпарасига баланснинг қайси томонига тегишли эканлигини «актив» ва «пассив»сўзи билан ёзилсин. Сўнг барча актив ва пассив томонларнинг моддаларини йиғиб қуйидаги шаклда баланс тузилсин.

Хўжаликнинг 1 январ 20__ йилга бўлган

Б А Л А Н С И

Актив		Пассив	
Баланс моддалари	Сумма	Баланс моддалари	Сумма
Асосий воситалар	883150	Устав капитали	1013510
жами		жами	

9-машқ. Хўжаликда январ ойида қуйидаги муоммолалар содир бўлган. 8-машқдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда хўжалик операцияларини балансга таъсирини аниқлаб ўзгаришлардан кейинги балансни тузинг.

№	Хўжалик операциялари	Сумма. М.с
1	Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бериш учун ҳисоб-китоб счётидан кассага нақд пул олиб келинди	5000
2	Сафар харажатлари учун ҳисобдор шахсга кассадан нақд пул берилди.	80
3	Жорий йилда олинган фойданинг бир қисми резерв капиталига қўшилди.	6000
4	Давлат банкидан қисқа муддатли кредит олинди	8000
5	Мол етказиб берувчилардан хом ашё ва материаллар қабул қилинди, пули тўланмади	3000
6	Кассадан ишчи хизматчиларга иш ҳақи берилди	5000
7	Ҳисоб-китоб счётидан давлат банкнинг қисқа муддатли кредити тўланди.	8000
8	Ишчиларнинг иш ҳақидан даромад солиғи ушланади.	500

Топшириқни бажариш учун услубий кўрсатма

Актив				пассив			
Баланс модда- лари	сумма			Баланс модда- лари	сумма		
	Дастлабки қолдиқ	Ўзгариш сумма	Охирги қолдиқ		Даст- лабки қолдиқ	ўзгариш сумма	Охирги қолдиқ
Асосий воситалар	883150	-	883150	Устав капитали	1013510	-	1013510
Жами:				Жами:			

Балансдаги дастлабки қолдиқ деган устунга суммани юқоридаги балансдан олиб ёзинг.

Баланснинг «ўзгариш суммаси» деган устунига «Кўшув» ва «олув» аломатларини қўйиб ҳар бир баланс моддаларининг рўпарасига содир бўлган операциялар суммаси ёзилсин.

«Ўзгариши суммаси» деган устунга ёзилган «дастлабки қолдиқ» даги сумма билан солиштирилиб, баланснинг охирги қолдиғи чиқарилсин.

2-топшириқ. 1-амалий машғулотдаги 2-топишриқ маълумотларига асосан бухгалтерия балансини тузинг. Содир этилган хўжалик муомалалари таъсирида балансдаги рўй берган ўзгаришларни аниқланг.

Мустақил бажариш учун топшириқ.

10-машқ. Мақсад - баланснинг таркибий тузилиши тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Вазифа - Оёқ кийимини ишлаб чиқарувчи корхонанинг ҳисобот йили боши ва охиридаги таркиби бўйича маблағлари ҳамда унинг ташкил топиш манбаларини гуруҳларга ажратиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Корхонанинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисида маълумот

Маблағларнинг алоҳида турларининг номи ва уларни ташкил бўлиш манбалари.	Сумма (минг сўм)йил	
	Йил боши	Йил охири
1. Омбордаги аёллар туфлилари	1200	4300
2. Банкдаги ҳисоб-китоб счёти	6000	17300
3. Қўшимча капиталлар	2000	3500
4. Чарм заводига чарм учун қарздорлик	800	3200
5. Фабрика биноси	90000	125000
6. Омбордаги тагчармбоп тери	5000	19700
7. Омбордаги болалар туфлиси	800	2800
8. Ҳисобдор шахсларга қарздорлик суммаси	13000	31600
9. Устав капитали	55000	55000
10. Цехдаги кесувчи дастгоҳлар	800	1340
11. Транспорт хизматидан олинган фойда	1000	2300
12. Цехдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	700	1300
13. Омбордаги машина мойи	1200	4200
14. Шубхали қарзлар бўйича резервлар	20000	42500
15. Омбор биноси	700	2190
16. Олинган материаллар учун қарздорлик суммаси	200	950
17. Ходимлардан иш ҳақи бўйича қарздорлик суммаси	2300	5400
18. Омбордаги бошқа хом ашёлар	2000	3600
19. Банкка қисқа муддатли қарз бўйича қарздорлик суммаси	500	5300
20. Солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик суммаси	600	1700
21. Цехдаги эркаклар ботинкалари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш	20	100
22. Кассадаги нақд пуллар	1500	2100
23. Таксимланмаган фойда	7000	17600
24. Тикув цехидаги тикув машиналари	3900	8800
25. Омбордаги қора юпқа тери	600	4090
26. Истеъмол қилинган энергия учун қарздорлик суммаси	200	1100
27. “Сув таъминот” АЖга истеъмол қилинган сув учун қарздорлик суммаси	650	2160
28. Омбордаги тикув иплари	400	900
29. Мақсадли молиялаштириш	500	650
30. Цехдаги ўлчов машиналари	4000	4300
31. Келгуси давр харажатлар резервлари	300	7300
32. Цех бошлиғининг ҳисобдорлик суммалари бўйича қарздорлик суммаси	30	20
33. Омбордаги эркаклар ботинкалари	1000	1730

34. Номоддий активлар	200	300
35. Махсулот сотишдан олинган фойда	16700	26660
36. Ўрнатиш учун мўжалланган жиҳозлар	900	1400
37. Омбордаги болаларнинг спорт туфлилари	600	1270
38. Чарм заводидан қарздорлик суммаси	1200	2000
39. “Улгуржисавдо” АЖ нинг олинган товар учун қарздорлик суммаси	400	2180

11-машқ. Счётлар режасидан фойдаланиб бухгалтерия счётларини тузилиши ва тайинланиши бўйича гуруҳларга ажратинг.

	Счётларнинг гуруҳи	Счётларнинг номи ва номери
1	Асосий счётлар	
2	Тартибга солувчи счётлар	
3	Йиғиб тақсимловчи счётлар	
4	Калкуляция счётлари	
5	Таққословчи счётлар	
6	Балансдан ташқари счётлар	

12-машқ. Қуйидаги келтирилган маълумотларга асосан счётлар схемаси очилиб, уларга ой бошига бўлган дастлабки қолдиқлар ёзилсин ва бухгалтерия баланси тузилсин.

Асосий воситалар – 900000; хом ашё ва материаллар-132350; устав капитал 1032350; асосий воситалар амортизацияси-90000; ўсимликчилик харажатлари-50000; касса-50; ишчи хизматчилар билан ҳисобланишлар-6010; банкдаги ҳисоб-китоб счёти-80000; ҳисобдор шахслар қарзи-60; ижтимоий суғурта органлари билан ҳисобланишлар-4100; қисқа муддатли кредитлар-20000; мол етказиб ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар:-10000;

Хўжаликда жорий ой мобайнида қуйидаги хўжалик муомалалари содир бўлган.

№	Муомалаларнинг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Узатма	
			Дт	Кт
1	Мол етказиб берувчилардан эҳтиёт қисмлар қабул қилинди, лекин пули тўланмади	6200		
2	Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун хўжаликнинг ҳисоб-китоб счётидан кассага нақд пул олиб келинди	2500		
3	Давлат банкидан қисқа муддатли кредит олиниб ҳисоб-китоб счётига ўтказилди.	10000		
4	Кассадан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи берилди.	2200		
5	Иш ҳақини олинмай қолган қисми кассадан ҳисоб-китоб счётига ўтказилди.	300		
6	Сотиб олинган эҳтиёт қисмлар учун ҳисоб-	5500		

	китоб счётидан пул ўтказилди.			
7	Хисоб-китоб счётидан ижтимоий суғурта органларига бўлган қарз тўланди	1100		
8	Пахта экилган ерларга минерал ўғит солинди	9900		
9	Қисқа муддатли кредитнинг бир қисми хисоб-китоб счётидан ўтказилди.	15000		
10	Экспедитор Мансуров И га сафар харажати учун кассадан пул берилди.	25		

Топшириқни бажариш учун методик кўрсатмалар :

1. Юқорида келтирилган жадвалнинг 3 ва 4 устунларига ҳар қайси муоммалалар бўйича дебетланувчи ва кредитланувчи счётларнинг номлари ёки шифри ёзилсин.
2. Юқорида келтирилган хўжалик муомалаларининг суммалари счётларга тарқатилсин ва қуйидаги шакл асосида айланма ведомостлар тузилсин ҳамда ўзгаришлардан кейинги бухгалтерия балансини акс эттиринг.

Синтетик счётлар бўйича айланма ведомости.

20__ йил _____ оyi учун

Счётлар номи	1 _____ га қолдиқ		_____ ойидаги айланма		1 _____ га қолдиқ	
	Д-т	К-т	Д-т	Кт	Дт	Кт
01-Асосий воситалар	900000					
Жами:						

13-машқ. Қуйида берилган баланс маълумотлари асосида синтетик счётларни очинг ва баланс тузинг. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш билан янги счётларни очинг. Аввал очилган ва янги счётларда хўжалик операцияларини акс эттиринг, оборотларни ҳисоблаб чиқинг ва якуний қолдиқларни аниқланг. Айланма ведомостни тузиб, ўзгаришлардан кейинги балансни тузинг

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тараққиёт” МЧЖ нинг жорий йилнинг 1-апрелидаги баланси

Актив	Сумма (минг сўмда)	Пассив	Сумма (минг сўмда)
1. Асосий воситалар	80000	1. Устав капитали	77800
2. Материаллар	19700	2. Таксимланмаган фойда	40000
3. Касса	2000	3. Банкнинг қисқа муддатли кредити	17000
4. Ҳисоб-китоб счёти	21400	4. Иш ҳақи бўйича қарздорлик	1000
5. Тайёр маҳсулот	7900		
6. Номоддий активлар	4800	Баланс	135800
Баланс	135800		

Жорий йилнинг апрел ойидаги хўжалик операциялари

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (минг сўмда)
1. Ҳисоб-китоб счётидан кассага пул келиб тушди	2000
2. Кассадан иш ҳақи берилди	1000
3. Нақд пулга материаллар харид қилинган.	500
4. Ҳисоб-китоб счётига банкнинг қисқа муддатли кредити олинди	3800
5. Фойдани бир қисми устав капиталига қўшилди	40000
6. Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди	4000
7. Ҳисоб-китоб счётидан мол етказиб берувчиларга қарздорлик суммаси тўланди	4500
8. Кассадан ҳисобдорлик суммаси берилди	500

14-машқ. 20__ йил 1 январ ҳолатига “Ғанижон ота” фермер хўжалиги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича қуйидаги счётларда қолдиқ (салдо) мавжуд:

Счётлар шифри	Счётлар номи	Салдо, сўм.			
		Вариантлар			
		1	2	3	4
0100	Асосий воситаларни ҳисобга оладиган счётлар	86800	89000	98600	69200
0200	Асосий воситаларни эскиришини ҳисобга оладиган счётлар	7900	55000	54000	4500
1010	Хом-ашё ва материаллар	850	10000	10000	12500
1040	Ехтиёт қисмлар	850	850	1500	1230
0400	Номоддий активларни ҳисобга оладиган счётлар	40000	35000	38500	40900
0500	Номоддий активларни эскиришини	10000	10000	18350	21650

	ҳисобга оладиган счётлар				
1060	Идиш ва идиш материаллари	3290	3290	8590	14600
1080	Хўжалик жихозлари ва инвентарлар	7400	7400	7400	14600
5000	Кассадаги пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар	4950	4950	6330	7500
5100	Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар	118600	200000	178900	254030
6010	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	30000	35000	45000	99900
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар	29600	36760	35400	40900
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик	12600	12600	12600	13500
6520	Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар	12100	12100	12100	13640
6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар	6000	12600	12600	13890
6990	Турли кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.	630	630	2470	4400
8300	Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар	119510	141400	141500	186300
8700	Тақсимланмаган фойда	34400	34400	15800	15880

Ой мобайнида қуйидаги хўжалик муомалалари рўй берган:

№	Хўжалик муомалалари	сумма.			
		Вариантлар			
		1	2	3	4
1	Мол етказиб берувчилардан олинган материаллар кирим қилинди.	12500	5200	25000	51200
2	Сотиб олинган материаллар учун ҳисоб-китоб счётидан ўтказилди.	15380	11540	12300	12350
3	Асосий воситаларга эскириш ҳисобланди.	1650	1560	1350	1250
4	Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди.	13150	11250	14500	14520
5	Ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ҳисобланди.	1020	986	1150	1160
6	Ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	900	850	1020	1050
7	Иш ҳақидан ҳисобланган солиқ суммалари ўтказилди.	13020	12560	10000	11200
8	Ҳисоб-китоб счётидан ҳисобланган иш ҳақи учун кассаға нақд пул олинди.	15500	13000	16000	14500
9	Кассадан иш ҳақи берилди	14000	13000	15200	14000
10	Ҳисоб-китоб счётидан мол етказиб берувчиларға тўланди.	4000	3500	3980	5200

Топширик:

1. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйида берилган шаклда ҳисобот даври бошига бошланғич баланс тузинг.
2. Қуйида берилган шаклда ҳўжалик муомалаларини рўйхатга олиш журналинини тузинг ва унга топшириқларни тўлиғича ёзинг. Счётлар корреспонденциясини счётлар режасига мувофиқ шифрлар ёрдамида белгиланг.
3. Синтетик счётлар схемасини чизинг ва ойнинг биринчи кунига бошланғич қолдиқ суммаларини ёзинг. Счётларни очишда счётлар шифри билан бирга уларнинг номларини ҳам тўлиқ ёзинг. Счётларни уларнинг рақамлари ўсиш тартибида жойлаштиринг. Ёзувлар тугагандан кейин ҳар бир счёт бўйича оборотларни ва қолдиқларни аниқланг.
4. Синтетик счётлар бўйича оборот ведомостини тузишда унда счётларни рақамларининг ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг.

Хўжаликнинг бухгалтерия баланси.

Актив	Хисобот даври бошига	Хисобот даври охирига	Пассив	Хисобот даври бошига	Хисобот даври охирига
1.Узоқ муддатли активлар			1. Ўз маблағлари манбалари		
1. бўлим бўйича жами			1 бўлим бўйича жами		
2.Жорий активлар			2. Мажбуриятлар		
2 бўлим бўйича жами			2 бўлим бўйича жами		
БАЛАНС			БАЛАНС		

Хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш дафтери

№	Хўжалик муомалалари	Сумма, сўм	Счётлар алоқаси	
			Дт	Кт

Мавзу: Хужжатлаштириш, инвентаризация, ҳисоб регистрлари ва шакллари

Машғулотнинг мақсади: Хужжатларнинг ҳўжалик муомалалари, тайинланиши, муомалаларни акс эттириши, мазмуни ва тузиш жойларига кўра хужжатларнинг гурухланишини, инвентаризациянинг мақсади ва турларини, шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари ўрганиш.

Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ёрдамида ҳўжалик операцияларининг бошланиш даври кўрсатилса, хужжатлаштиришда операциянинг бажарилиши ва ҳисоботда эса операциянинг якуний босқичи ўз ифодасини топади.

Хужжат-бу, лотинча «документум» сўзидан олинган бўлиб, «гувоҳлик», «исботловчи» деган маъноларни англатади. Хужжатни хужжатлаштириш билан фарқ қилмаслик ҳисоб мазмунининг пасайишига олиб келади. Хужжатлаштириш хужжатлар йиғиндисини англатади. Демак хужжатлаштириш билан ҳўжалик операцияларини хужжатлаш бир хил маънода ишлатилиши мумкин.

Дастлабки хужжатлар билан ишлаш қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни (7,8-моддалар);
2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли хужжат айланиши тўғрисида” ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон имзо тўғрисида” ги қонуни;
4. Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ва хужжатлар айлануви тўғрисидаги низом.(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003. 23.12. даги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган).

Бухгалтерия хужжатлари тайинланиши ва тузилишга кура қуйидаги турларга булинади:

1. Фармойиш хужжатлари.
2. Исботловчи хужжатлар.
3. Бухгалтерияда расмийлаштириладиган хужжатлар.
4. Уйғунлашган хужжатлар.

Бошлангич ҳисоб хужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- хужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- ҳўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошлангич ҳисоб хужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва амал тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бухгалтерия ҳисобини бошқа ҳисоб турларидан фарқи ва афзалига шундаки, ҳар бир ҳўжалик муомалалар ини тегишли бухгалтерия счётларида

акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар ҳисобланади. Иккинчидан, бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилишда моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини дастлабки бухгалтерия счётлардаги ёзувлари манбалари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳужжатларида ҳар бир амалга оширилган хўжалик муомалаларининг қонунийлиги, белгиланган муддатларда топширилиши доимий назорати юритилади.

Корхона бош бухгалтери ҳужжатлар айланишини бевосита назоратчиси ҳисобланади. Ҳужжатлар айланишининг охириги босқичи бўлиб, уларни архивга топширилиши ҳисобланади.

Ҳужжатлар айланишига риоя қилмаслик, биринчидан бухгалтерия ҳужжатларини ўз вақтида тузилишига салбий таъсир қилса, иккинчидан маблағлар ҳаракатини назорат қилиш имкониятларини пасайтиради.

Бухгалтерия ҳисоби ҳолати, энг аввало ҳужжатлар ҳаракатини тўғри ташкил қилиш билан бевосита боғлиқдир, чунки ҳар бир амалга оширилган хўжалик муомаласи маблағлар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Маблағлар ҳаракатини тўғри ҳужжатлаштириш ҳисоб- китобларни ўз вақтида юритилишини назорати ҳужжатлар ёрдамида бажарилади.

Шунинг учун бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш назоратни талаб қилади.

Маблағларнинг ҳаракатини ҳисобга олишда уларни кирим ва чиқимни тартибга солиш ҳужжатларга алоҳида аҳамият талаб қилади. Ҳужжатда товар ва моддий бойликларни харидорларга жўнатиш куни, миқдори, баҳоси, суммаси кўрсатилади. Ҳужжатларга асосан ташкилот бухгалтериясида маблағлари киримга қабул қилиниши ва сарфланиши назорат қилинади. Маблағларни ҳаракати уларни тўлиқлиги икки томонлама назорат қилинади. Биринчи назорат моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ёрдамида амалга оширилади. Иккинчи назорат бухгалтерия ёзувлари ёрдамида олиб борилади. Ҳар бир назорат шаклида маблағлар ҳаракатини тасдиқловчи ҳужжатлар асос қилиб олинади. Ҳужжатлар ёрдамида маблағлар ҳақиқий ҳимоясини ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича тўлиқлигини таъминлаш, назоратни ташкил қилиш мақсадида инвентаризация ўтказилади

Инвентаризация тўлиқ, қисман, танлаб олган ҳолда ўтказилиши мумкин. Тўлиқ инвентаризация ўтказиш раҳбар томонидан махсус ёзма фармойиш бериш йўли билан амалга оширилади. Қисман ўтказиладиган инвентаризация асосан баҳоларни ўзгариши амалга оширилганда ўтказилади ва маълум бир товар тўғри бўйича унинг натижалари аниқланади.

Танлаб олган ҳолда ўтказиладиган инвентаризациялар кўп ҳолда ташкилот раҳбарлари ёки бошқа бухгалтер томонидан ўтказилади. Инвентаризация ўтказишда тегишли жавобгар шахс зиммасидаги мулк тўлиқ саналиб, тортилиб пул бирлигида ҳисоб- китоби аниқланади.

Инвентаризация тўсатдан ўтказилади. Демак тузилган режадаги муддатлар фақат бош бухгалтер ва ташкилот раҳбарига маълум бўлиши керак, бошқа ходимлардан бу режа сир тутилади.

Айрим ҳолда инвентаризация суд- тергов органлари, молия, солиқ қўмиталари томонидан ҳам ўтказилиши ҳам мумкин.

Режалаштирилмаган инвентаризация ишлари табиий офатлар натижасида, ўғрилик, моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолиятида ножўя ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар олинганда ўтказилиши мумкин. Чакана савдо ташкилотларида бухгалтерия хисобининг навбатдаги вазифаси товар ва моддий бойликларни тўлиқ сақланишини назорат қилишдир. Бунинг учун товарларни қабул қилинишини ва сотишни, инвентаризация ўз вақтида ўтказилишини талаб қилинади.

Мавжуд товар – моддий бойлик тўлиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин жами товарлар миқдори суммаси хисоблаб чиқилади.

Инвентаризация ўтказилгандан сўнг комиссия аъзолари моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товар - моддий бойлик(мулк)лар тўлиқ инвентаризация варақасида кўрсатилади ва комиссия аъзоларига мулк эгаси томонидан эътирозлар йўқлигини тасдиқлаш мақсадида баённома ёзиб уни имзолайдилар. Шундай кейингина инвентаризация натижаларини аниқлаш учун асос яратилади.

Бухгалтерия хисобини регистрлари деб, бошланғич ва ҳужжатларда акс эттирилган ҳўжалик маблағларини, ҳўжалик жараёнининг таркиби ва ҳаракатини иқтисодий мазмунига қараб рўйхатга олиш учун мўлжалланган махсус шакли жадвалларга айланади. Бу жадваллар бухгалтерия хисоби ҳисобларини ўзаро алоқасини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия хисоби регистрларидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ҳаражатларини маҳсулот таннархига ўтказиш, маҳсулотни сотиш ва захирадаги тайёр маҳсулотлар ҳолати тўғрисида аниқ маълумотлар олиш имконияти яратилади.

Амалга оширилган ҳўжалик операцияларини тегишли ҳисобларда акс эттириш, биринчидан қўлланилаётган бухгалтерия хисобининг шаклларига боғлиқдир. Чунки ҳисоб шакллари бир- биридан фарқ қилади. Ҳисоб шаклларида ҳўжалик операцияларини хисобга олиш техник воситалар ёрдамида, қўл меҳнатига асосланган ҳолда олиб бориш мумкин.

Шакллар бир- биридан қуйидаги принциплар билан фарқ қилади.

- 1) Ҳисоб регистрларинг тузилиши билан;
- 2) Синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари умумлаштириш тартиби билан;
- 3) Бухгалтерия хисоби регистрларини тўлдириш ва ёзиш тартиби билан;

Бухгалтерия хисобининг шакли деб, ҳисоб ёзувларини маълум кетма-кетликда қўлда ёки техника воситаси ёрдамида ташкил қилинганлигига айтилади.

Бухгалтерия хисобини мемориал- ордер шаклида ҳужжатларни расмийлаштириш қайта ишлаш тартиби ҳамда синтетик ва аналитик регистрларга ёзишлар қуйидагича тартибда амалга оширилади. Мемориал ордерлар ҳамда ҳўжалик операцияларига бошланғич асосида гуруҳланган ва жамланган ведомостларга мувофиқ проводкалар берилади.

Бухгалтерия хисобининг журнал- ордер шаклида ёзувлар жамлаш ва гуруҳлаш ведомостларида (журнал- ордер) ҳамда ёрдамчи ведомостларида олиб борилади. Бухгалтерияга топширилган бошланғич ҳужжатларда

мемориал- ордер акс эттирилмасдан, бирданига журнал ордерларидан акс эттирилади. Чунки бухгалтерия хисобининг бу шаклида қўлланиладиган журналлар бир вақтда хўжалик операцияларининг бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирувчи ордерлар хисобланиб, мемориал – ордерларда акс эттириш зарурати туғилмайди.

Бухгалтерия хисобини бу шаклини журнал ордер деб аталишига сабаб, бу ерда мемориал – ордерлар ўрнини аввалдан хисобларнинг корреспонденцияси тузилиб қўйилган махсус хисоб регистрлари, яъни журнал ордерлари эгаллашидир. Шунинг учун бухгалтерия хисобининг бу шакли журнал ордер деб аталади.

Фан ва техниканинг ҳозирги ривожланиши инсон фаолиятининг барча доираларида автоматлаштиришни кенг жорий этиш имконини беради. Ҳозирги шароитда автоматлаштирилган иш жойларини (АКШ) жорий қилиш асосида ахборотларни марказлаштирилмаган ҳолда ЭҲМларда ишлаш кенг тарқалмоқда. Бундай усулда ишни ташкил қилиш, ахборотларни йиғиш, хисоб-китоб ишларини бажариш, қайта ишлаш маълумотларини бериш ташкилотларни ўзида бажарилади.

15-машқ. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида тегишли хужжатларни тўлдилинг

Касса кириш ва касса чиқим ордерларини тўлдириш ҳамда кассир хисоботини тузиш.

Қуйидаги маълумотлар асосида касса кириш ордерини тўлдилинг, унинг асосий реквизитларини ёзинг ва хужжатлар классификацияси бўйича гуруҳини аниқланг.

02.12.20__ га кассирнинг хисоботи. 02.12.20__ га кассадаги қолдиқ-10470 сўм.

02.12.20__ даги муомалалар:

1. А.Ғ.Ахмадалиевдан реализациядан тушум кириш қилинди-232500 сўм.
2. Хизмат сафари ва иш ҳақи учун нақд пул олинди-2008600 сўм.
3. М.Н.Нурматовга хизмат сафари учун хисоби бериладиган пул берилди-150000 сўм.
4. М.А.Рахмоновга хизмат сафари учун-160000 сўм
5. №5-ведомост билан иш ҳақи тарқатилди-1525860 сўм.
6. Кассадаги пул эълон хужжати бўйича банкка топширилди-400000 сўм.

Юқоридаги муомалалар бўйича дастлабки хужжатларни тўлғазинг ва уларга асосланиб кассир хисоботини тузинг ҳамда хўжалик муомалаларига бухгалтерия проводкасини тузинг.

16-машқ. Белгиланган шаклда Тошкент шахрига хизмат сафарига бориб келиш учун хизмат сафари гувоҳномасини ва бўнак хисоботини тузинг.

Хизмат сафари гувоҳномасида қуйидагилар акс эттирилади:

Андижондан кетди-01.02.20__, Тошкентга келди-01.02.20__

Тошкентдан кетди-8.02.20__, Андижонга келди-8.02.20__

Тақдим қилинди:

- 1) Билетлар:Андижон-Тошкент 72000 сўм, Тошкент –Андижон 72000 сўм;
- 2) 01.02. 20__дан 8.02.20__ кунлари меҳмонхона харажатлари – 5600 сўм (суткасига).
- 3) Суткалик харажатлари белгиланган норматив бўйича.
- 4) Транспорт харажатлари – 7800 сўм (билетлари илова қилинган).

Ходимга хизмат сафари учун 60000 сўм берилган

17-машқ. Қуйидаги маълумотлар асосида товарларни олиш учун ишончнома тўлдиринг, ишончноманинг асосий реквизитларини ва унинг қайси гуруҳга тегишлилигини аниқланг:

Ишончнома “Турон” фермер хўжалиги экспедитор Ахмадалиев Хайрулло Акбаралиевичга (паспорт серияси СН № 2315684, 17.101995 йил Андижон вилояти Избоскан тумани ИИБ томонидан берилган) “Ўзагрокимётаъминот” АЖ Андижон вилояти бўлимида 3 тонна минерал ўғит олиш учун берилди 3.12.200__ да берилган

18-машқ. Материаллар омборидаги рўйхатдан ўтказиш қайдномаларини расмийлаштириш тартибини ўрганиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Тонг” ОАЖ нинг эҳтиёт қисмлари сақланадиган омборда бош муҳандис - В.А Пулатов, ҳисобчи- Т.П.Шарипов, механик - И.И. Расулов таркибидаги комиссия омбор мудири А.И. Маматов иштирокида омборда эҳтиёт қисмларни борлиги текширилган. Текшириш натижасида четга чиқишлар аниқланган (қиёслаш қайдномасига қаранг).

1. Амалга оширган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари бўйича ОАЖ раҳбари қандай қарор қабул қилиш кераклигини кўрсатинг.

Қиёслаш қайдномаси

Эҳтиёт қисмларнинг номи	Чиқиш нарх	Мавжудлиги аниқланган		Ҳисоб маълумотлари бўйича мавжуд		Натижа			
		Сони	Сумма сўм	Сони	Сумма сўм	Сони	Сумма сўм	Сони	Сумма сўм
1.Корбюраторлар	2300	5		5					
2.Ярим ўқлар	12000	3		4					
3.Радиаторлар	32000	2		3					
4.Тормоз калоткалари	8000	6		5					
5.Фаралар	11222	6		6					
6.Олдинги ойна	67900	3		3					
7.Шестирналар	39766	10		12					
8.Тамплерлар	38005	8		7					
9.Филтрлар	46660	10		11					
10.Пракецкалар (орага солинадиган)									

нарсалар)	2000	15		17					
11.Поршинлар	27008	10		9					
12.Ён томон ойналари	12060	7		9					

Қўшимча маълумотлар

Маблағларнинг ҳақиқий мавжудлигини ҳисоб маълумотларидан фарқланиши қуйидаги сабабларга боғлиқ:

1) Радиаторлар, шестерналар, филтрлар ва ён томон ойналари ортиқчалиги ҳисобот ойда корхона ходимлари томонидан харид қилинганлиги ҳақидаги ҳқжжатлар ўз вақтида тақдим етилмаганлигидан келиб чиққан.

2) Калодкаларнинг камомоди, ҳали уларнинг ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштирмасдан туриб берилганлигидан келиб чиққан.

3) Омбор мудирлари томплерлар ва помлерларнинг камомоди сабабларини изоҳлаб беролмаган.

Топшириқ- рўйхатдан ўтказиш натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

22-машқ. Келтирилган маълумотлар асосида касса муомалалари ҳисобга олинишини журнал ордерларда акс эттиринг

№	Ҳўжалик муомалаларининг мазмуни	Суммаси, сўм	Счётлар боғланиши		Асос бўлувчи ҳужжатлар
			Дт	Кт	
1	Ҳисоб–китоб счётидан кассага нақд пул олинди (хизмат сафари учун)	12000			
2	Кассадан ҳисобдор шахсларга хизмат сафари учун аванс берилди	12000			
3	Ҳисоб–китоб счётидан кассага нақд пул олинди (квартира ижараси учун)	6000			
4	Кассадан квартира ижараси нақд пулда берилди	6000			
5	Ҳисоб-китоб счётидан иш ҳақи учун нақд пул кассага олиб келинди	100000			
6	Кассадан иш ҳақи тарқатилди	100000			
7	Ҳисобдор шахслар томонидан ишлатилмай қолган аванс қолдиғи кассага қайтарилди	500			
8	Ҳисобдор шахслар томонидан ишлатилмай қолган нақд пул қолдиғи ҳисоб-китоб счётига қайтарилди	500			
9	Тайёр маҳсулот нақд пулга сотилди	28000			
10	Маҳсулот сотишдан тушган пул маблағи кассадан ҳисоб-китоб счётига топширилди	28000			
11	Касса инвентаризациядан ўтказилганда камомад аниқланди	300			
12	Камомад суммасини кассир кассага нақд пулда тўлади	300			

13	Инвентаризация пайтида кассадан ортиқча пуллар чиқди	200			
14	Йўлдаги пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига келиб тушди	10000			

Топшириқлар: 1.Юқоридаги хўжалик муомалаларига счётлар боғланишини кўрсатинг (бухгалтерия проводкасини тузинг).

2. Асос бўлувчи ҳужжатларни ёзинг.

3. Муомалаларни ҳисоб регистрларида акс эттиринг ва қуйидаги шаклдаги журнал-ордерларда акс эттиринг

1-Журнал ордер

Сана	5000-счётнинг дебетига қуйидаги счётларнинг кредитидан								Жами
	5110	9010							
Жами									

Журнал ордер 1-«а» ведомост

Сана	5000-счётнинг кредитидан қуйидаги счётларнинг дебетига								Жами
	5110	4220	6710	6990					
Жами									

23-машқ. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олиш ва уни журнал ордерларда акс эттириш

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Суммаси, сўм	Счётлар боғланиши		Асос бўлувчи ҳужжатлар
			Дт	Кт	
1	Харидорлар ва буюртмачилардан ҳисоб-китоб счётига сотилган маҳсулотларнинг пули келиб тушди	900000			
2	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга ҳисоб-китоб счётидан сотиб олинган маҳсулотларнинг пули ўтказилди.	700000			
3	Дебитор корхоналардан ҳисоб-китоб счётига дебитор қарз келиб тушди.	600000			
4	Кредитор қарз ҳисоб-китоб счётидан тўланди.	500000			
5	Ҳисоб-китоб счётига узоқ муддатли банк кредитлари келиб тушди.	4000000			
6	Қисқа муддатли банк кредитлари ҳисоб-китоб счётидан қайтарилди.	1000000			
7	Ҳисоб-китоб счётида бюджетга солиқлар бўйича қарз тўланди.	300000			
8	Ижтимоий суғурта суммаси ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилди.	800000			
9	Ҳисоб-китоб счётидан пенсия жамғармасига ўтказилди.	100000			
10	Касаба уюшмаси федерация-сига ҳисобланган сумма ҳисоб-китоб счётидан ўтказилди.	50000			

Топшириқлар: 1.Юқоридаги хўжалик муомалаларига счётлар боғланишини кўрсатинг (бухгалтерия проводкасини тузинг).
2. Асос бўлувчи ҳужжатларни ёзинг.

3. Муомалаларни ҳисоб регистрларида акс эттиринг ва қуйидаги шаклдаги журнал-ордерларда акс эттиринг

2-Журнал ордер

[illegible]

2-а ведомост

Сана	5100-счётнинг дебетига қуйидаги счётларнинг кредитидан								Жами
	4010	4810	7810						
Жами									

Мавзу: Корхонанинг ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш
Машғулотнинг мақсади: Корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини тузишни ва уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш.

“Ҳисоб Сиёсати ва Молиявий Ҳисобот” номли 1-Сонли БҲМС Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.08.1998 йил рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 26.07.1998 йил тасдиқланган.

Стандарт Кириш, Асосий тамойиллар, Молиявий ҳисоботларнинг асосий идентификациялаш реквизитлари, Ҳисобот даври ва ҳисобот тузилган сана, Молиявий ҳисоботни тақдим этиш, Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот, Молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар каби бўлимларни ўз ичига олади.

Ушбу БҲМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг кам микдордаги талаблар кўзда тутилган.

Айрим операциялар ва воқеаларни акс эттириш, уларни ўлчаш ва очиб бериш учун батафсил талаблар бошқа БҲМСларда баён қилинади.

Мазкур стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмасы тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турли йиллар учун тузилган молиявий ҳисоботда келтириладиган молиявий кўрсаткичлари бир-бирига қиёсланадиган бўлиши учун шакллантирилади.

24-машқ. Корхонанинг ишчи счётлар режасини тузиб чиқиш.

Масалани бажариш учун маълумотлар

Жорий йилнинг 1- апрелидаги бухгалтерия ҳисоби счётлари қолдиғи

Счётнинг номи	Сумма (минг сўмда)	
	Дебет	Кредит
“Асосий воситалар”	100000	
“Асосий воситаларни эскириши”		11273
“Номоддий активлар”	8754	
“Номоддий активлар амортизацияси”		900
“Материаллар”	18950	
“Асосий ишлаб чиқариш”	32980	
“Омбордаги тайёр маҳсулот ”	300	
“Омбордаги таварлар”	2425	
“Касса”	494	
“Ҳисоб-китоб счёти”	44980	
“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”		31300
“Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”	1128	
“Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар”		5560
“Суғурта бўйича тўловлар”		5710
“Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоб-китоблар ”		21080
“Ҳисобдор шахсларга берилган қарз”		251
“Хизмат сафари учун берилган аванс”	746	
“Тақсимланмаган фойда”		12841
“Устав капитали”		89309
“Қисқа муддатли қазлар”		26730
“Резерв капитали”		5803
Жами	210757	210757

Топшириқ. Счётлар режасидан фойдаланиб берилган маълумотлар асосида корхонада фойдаланиладиган счётларни тузиб чиқинг. Жорий йилнинг 1-январидидаги счётлар бўйича қолдиқ (салдо) асосида бош дафтарга синтетик счётни очинг.

Мустақил ишлаш учун топшириқ. Ўзбекистон Республикасида Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини баён этинг.

Мавзу: Баҳолаш ва таъминот жараёнини ҳисобга олиш

Машғулотнинг мақсади: Таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари билан боғлиқ хўжалик муомалаларини, баҳолаш ва маҳсулот таннархини аниқлашни ҳамда яқуний молиявий натижаларни аниқлашни ўрганиш.

Баҳолаш –бу ҳисоб объектларини натура ўлчовларидан пул ўлчовларига ўтказишусулидир. Баҳолаш туфайлигина бухгалтерия ҳисобида ҳар хил ўлчовларда ифодаланган ҳисоб объектларини умумлаштиришга мувафак булинади.

Калькуляция ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига қилинадиган ҳаражатлар меъёрлантирилади. Ҳақиқий ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган меъёрдаги ҳаражатлар билан ҳақиқий қилинган ҳаражатлар ўртасидаги фарқ (оғиш) аниқланади, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ҳисоб- китоб қилинади. Маҳсулот таннархига ўтказиладиган ҳаражатлар ўз навбатида бевосита ва билвосита ҳаражатлар дан ташкил топади.

Асосий хўжалик жараёнларига асосан уч жараён, яъни таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари киради. Ҳар бир жараёнда маблағларнинг ҳаракати бошланади.

Таъминот жараёнида корхона ва ташкилотларнинг бевосита ўзига таалуқли бўлган асосий ва оборот маблағларнинг ҳолати ҳисоб- китоб қилинади ва маблағлар ҳолатидаги ўзгаришлар тегишли счётларда алоҳида- алоҳида ҳисобга олинади. Бу жараённи ўзига хос хусусияти шундаки, бошқа жараёнлар учун асос яратилади. Яъни бошқа корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб- китобларни юритиш учун имконият яратилади. Ўзаро ҳисоб- китобларни тартибга солиш томонлар ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Тузилган шартномаларни бажариши таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини бошланиши учун асос яратади.

Ишлаб чиқариш жараёнида корхонанинг тегишли маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ имкониятлари тўлиқ намоён бўлади. Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

Асосий ишлаб чиқариш счётида

Асосий воситаларнинг эскириши счётида

Номоддий активларнинг эскириши счётида

Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар счётида

Умумишлаб чиқариш ҳаражатлари счётида

Тайёр маҳсулот счётида

Сотиш жараёни тўғри ташкил қилишни бошқа жараёнларни шу жумладан таъминот ва ишлаб чиқариш жараёнларини бир меъёрда олиб борилишига ўз таъсирини ўтказди. Ҳар бир жараён шартнома шартларини бажарилишга қаратилган бўлиб, унинг назоратини таъминлайди.

Сотиш жараёнида мулкка бўлган эгалик шакли ўзгаради, ва бу жараёнда шундай ҳаражатлар олиб бориладиги уларнинг айримлари сотилаётган маҳсулот баҳосига киритилса, айримлари маҳсулот сотишдан олинган ялпи

мадароматдан қопланади. Бу жараёнда корхонанинг асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарарни аниқлаб олиш имкони яратилади.

15-машқ. Таъминот жараёнини ҳисобга олиш

№	Хўжалик муомалалари мазмуни	Сумма	Счётлар боғланиши	
			Дт	Кт
1	“Парвина” МЧЖ дан материаллар олинди (С материал)	3000		
2	Дебитор қарзлар ҳисоб-китоб счётига келиб тушди	6900		
3	Мол етказиб берувчиларга тўланди а) Агрокимётаъминотга – 18000 сўм б) Парвина МЧЖга – 20000 сўм	38000		
4	Қисқа муддатли банк кредити учун фоиз ҳисобланди	350		
5	Агрокимётаъминот корхонасидан материаллар олинди (Б материал)	4000		
6	Бюджетга тўловлар бўйича қарз тўланди	1400		
7	Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар тўланди: Ягона ижтимоий тўлов суммаси – 1000 сўм Пенсия фондига мажбурий ажратма – 600 сўм Касаба уюшмасига мажбурий ажратма – 500 сўм	2100		
8	“Парвина” МЧЖ дан олинган материаллар учун тўланди	3000		
9	Иш хақи учун нақд пул олинди	12000		
10	Кассада иш хақи тарқатилди	12000		

Топшириқ: Юқоридаги хўжалик муомалаларига тегишли узатмаларни беринг.

17- машқ. Берилган маълумотлар асосида “Транспорт тайёрлаш харажатлари” таҳлилий счётини очинг ва унда операцияларни акс эттиринг. Транспорт тайёрлаш харажатларини тақсимлаш қайдномасини тузинг (5-операция). 1кг харид қилинган материалларнинг ҳақиқий таннаرخини аниқланг.

Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий ойдаги хўжалик операциялари.

Мазмуни.	Сумма (минг сўмда)
1. “Қурувчи” фирмасининг қуйдаги қурулиш материаллари учун ҳақ тулашга розилик берилди: Алиф мойи-500кг , 6600 сўмдан Буёқ – 300кг, 3550 сўмдан Лак- 50кг, 2100 сўмдан. Жами.	4470
2.“Қурувчи “ фирмаси ҳисоб-китоб счётига ҳисоблаб ўтказилди.	4470
3. 2-сонли АТК га қурулиш материалларини ортиш, тушуриш ва ташиш хизматлари учун ҳақ тўлашга розилик берилди.	600
4. Ҳисоб-китобидан 2-сонли АТКга счётига ўтказилди	500
5. Транспорт тайёрлаш харажатлари харид қилинган материалларни салмоғига пропорционал равишда тақсимлаш: Алифмойига. Буёққа Лакка. Жами.	

Мавзу: Асосий ишлаб чиқариш жараёни ҳисоби ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини калкуляциялаш

Машғулотнинг мақсади:

“Намуна” агрофирмасида бизнес режага мувофиқ “Х” маҳсулотнинг бир бирлигининг таннархи – 30 сўм, “У” маҳсулотнинг таннархи – 25 сўм бўлиши режалаштирилган.

1.2. Ишлаб чиқариш жараёнини ҳисобга олиш

№	Хўжалик муомалалари мазмуни	Сумма	Счётлар боғланиши	
			Дт	Кт
11	Ишлаб чиқаришга материаллар сарфланди: Х – маҳсулот ишлаб чиқариш А-материал – 6000 сўм Б-материал – 2500 сўм С-материал – 3200 сўм У – материал ишлаб чиқариш А-материал – 1500 сўм Б-материал – 3500 сўм С-материал – 3600 сўм	20300		
12	Асосий воситаларга эскириш ҳисобланди: А) асосий ишлаб чиқаришдаги Х - маҳсулот ишлаб чиқариш – 500 сўм У - маҳсулот ишлаб чиқариш – 390 сўм	890		
	Б) маъмурий	320		
13	Хўжалик ходимларига иш ҳақи ҳисобланди А) асосий ишлаб чиқаришдаги Х - маҳсулот ишлаб чиқариш – 9800 сўм У - маҳсулот ишлаб чиқариш – 6100 сўм	15900		
	Б) маъмурият ходимларига	2500		
	жами	18400		
14	Ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди (24 фоиз) А) асосий ишлаб чиқаришдаги Х - маҳсулот ишлаб чиқариш – 2350 сўм У - маҳсулот ишлаб чиқариш – 1450 сўм	3800		
	Б) маъмурий	600		
15	Иш ҳақидан ушланди: А) пенсия фондига	460		
	Б) касаба уюшмасига	180		
	С) даромад солиғи	4600		
	жами	5240		
16	Асосий ишлаб чиқаришга Парвина МЧЖ томонидан хизмат кўрсатилди Х - маҳсулот ишлаб чиқариш – 3200 сўм У - маҳсулот ишлаб чиқариш – 5400 сўм Жами	8600		
17	Асосий ишлаб чиқаришдан режа таннархида тайёр маҳсулотлар олинди Х-маҳсулот – 1130 кг			
	У- маҳсулот – 900 кг			

18	Маҳсулотларни йиғиб олишда Парвина МЧЖ томонидан хизмат кўрсатилди Х - маҳсулот – 4500 сўм У – маҳсулот – 4000 сўм Жами			
19	Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланди ва режа таннархи билан ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди Х - маҳсулот – У – маҳсулот – (ҳисоб-китобларни мустақил бажаринг)			

Топшириқ: Берилган хўжалик муомалаларига тегишли узатмаларни беринг, Х ва У маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқланг.

Мавзу: Реализация жараёни ҳисоби ва молиявий натижаларни аниқлаш
Машғулотнинг мақсади:

1.2. Реализация жараёнини ҳисобга олиш

№	Хўжалик муомалалари мазмуни	Сумма	Счётлар боғланиши	
			Дт	Кт
20	Ҳисоб-китобсчётидан тўланди: А) Ягона ижтимоий тўлов – 4400 сўм Б) 2,5 % ПФга – 460 сўм В) 1 % касабга уюшмасига Д) даромад солиғи Жами			
21	Тайёр маҳсулотлар сотишга жўнатилди: Х - маҳсулот – 41800 сўм У – маҳсулот – 37650 сўм Жами			
22	Сотиш жараёнида Парвина МЧЖ томонидан хизмат кўрсатилди	5200		
23	Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисобдан чиқарилди			
24	Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар ҳисобдан чиқарилди			
25	Давр харажатлари ҳисобдан чиқарилди А) сотиш харажатлари Б) маъмурий харажатлар Жами	5200 3420 8620		
26	Якуний молиявий натижа аниқланди ва тақсимланмаган фойда сифатида акс эттирилди			

Топшириқ

1. Счётлар корреспонденциясини счётлар режасига мувофиқ ёзинг.
2. Молиявий натижани аниқланг.

16-машқ. Берилган маълумотлар асосида хўжаликда етиштирилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқланг. Хўжаликда операцион счётларни ёпилишини счётларда акс эттириб молиявий натижаларини аниқланг ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг. етиштирилган маҳсулотнинг режа ва ҳақиқий таннархини топинг

Ҳисобот даври мобайнидаги хўжалик операциялари.

№	Мазмуни	Сумма (м.с.)	Узатма	
			ДТ	КТ
1	Ишлаб чиқаришдан режа таннархида тайёр маҳсулот олинди (2510 центнер. 1 центнернинг режа таннархи)	105600		
2	Ҳисобот даври мобайнида асосий ишлаб чиқаришга қуйидаги харажатлар қилинди:	117500		
А)	Уруғлик	5600		
Б)	Ёқилғи мойлаш материаллари	35100		
В)	Минерал ўғитлар	46500		
Г)	Четдан кўрсатилган иш, хизматлар	7575		
Д)	Иш хақи	16500		
Е)	Суғурта тўловлари	4125		
Ё)	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	2100		
3	Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди ҳақиқий таннархи аниқланди ва режа таннархи билан ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди			
4	Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига етиштирилган пахта сотилди	135500		
5	Сотилган пахтанинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	117500		
6	Маҳсулотни сотишда четдан транспорт хизмати кўрсатилди	15600		
7	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти ёпилиши	135500		
8	Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи счёти ёпилиши	117500		
9	Бошқа операцион даромадлар ҳисобдан чиқарилди	3450		
10	Сотиш бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	15600		
12	Маъмурий харажатлар ҳисобдан чиқарилди	6750		
13	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар ҳисобдан чиқарилди	2950		
14	Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	5890		

Изох: 9420-Маъмурий харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақда – 6750 минг сўм, 9390-Бошқа операцион даромадлар ҳисобварақда – 3450 минг сўм, 9520-Дивидендлар кўринишидаги даромадлар ҳисобварақда – 2950 минг сўм, 9810- Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар ҳисобварақда – 5890 минг сўм қолдиқ мавжуд.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даврида	
		Даромад- лар (фойда)	Харажат-лар (зарарлар)
Махсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум	10		
Сотилган махсулот (товар,иш,хизмат)ларни таннари	20		
Махсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) сатр 010-020	30		
Давр харажатлари. Жами (сатр 050+060+070+080)	40		
Сотиш харажатлари	50		
Маъмурий харажатлар	60		
Бошқа операцион харажатлар	70		
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	80		
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	90		
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 30-040+090)	100		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари Жами (сатр 120+130+140+150+160) шу жумладан:	110		
Дивидентлар шаклидаги даромадлар	120		
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		
Узок муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	140		
Валюта курси фаркидан даромадлар	150		
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		
Молиявий фаолият буйича харажатлар (сатр 180+190+200+210) шу жумладан:	170		
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180		
Узок муддатли ижара (лизинг) буйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190		
Валюта курси фаркидан зарарлар	200		
Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар	210		
Умумҳўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр 100+110-170)	220		
Фавкуллодаги фойда ва зарарлар	230		
Даромад солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр 220+/-230)	240		
Даромад (фойда) солиги	250		
Фойдадан бошқа солиқлар ва йигимлар	260		
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр 240-250-260)	270		

Мавзу: Бухгалтерия ҳисоботлари.

Машғулотнинг мақсади: Ҳисобот ва унинг шакллари ва тўлдирилишини, корхоналарда ҳисоботга тайёргарлик ишларини ўрганиш.

Бухгалтерия ҳисоботи бу маълум вақт бирлигида амалга оширилган хўжалик операцияларини умумлаштиришга қаратилгандир. Бухгалтерия ҳисобида корхонага таалуқли бўлган хўжалик маблағларини жойланиши ва ташкил топиш манбаълари ўрганилади ва тегишли маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш имконини яратади.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини ўзига хос хусусияти шундаки, корхона фаолиятини ўтган ва ҳозирги ҳолатини ташкил қилиш имкониятлари бор. Ҳисоботни тўғри иқтисодий маълумотларга асосланган ҳолда тузиш тармоқлар ўртасидаги муносабатни бир меъёردа олиб борилишини таъминлайди.

Ҳисоботнинг аҳамияти:

- Ишончлилиги
- Ўз вақтидалиги
- Текширилувчанлиги
- Тежамлилиги
- Эълон қилиниши
- Тўлиқлиги
- Оддийлиги
- Таққосланувчанлиги
- Қатъий белгиланган тартибда расмийлаштирилиши

Тузилган ҳисоботда корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолияти ҳисобот даври бўйича умумлаштирилган ҳолда кўрсатилади. Ҳисобот ни яна бир хусусияти шундаки, ҳисобот кўрсаткичлари фақат топшириқларни бажаришни ифода қилинмасдан корхонанинг молиявий натижалари, фойдаси, ресурслардан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади. Ҳисобот кўрсаткичларини кенг маънода ўрганиш мақсадида ҳисобот шаклларида фойдаланилади. Ҳисобот шакллари ёрдамида корхона хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш, таққослаш, таҳлил қилиш имкониятлари яратилади. Ҳисобот шакллари ёрдамида корхонанинг пул маблағлари, улардан фойдаланиш, молиявий ҳолати, дебитор ва кредитор қарзлари тўғрисида тўлиқ маълумот олинади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида ўз ифодасини топган маълумотлар (суммаси) ҳисобот даврининг охирига ҳар бир счёт бўйича алоҳида - алоҳида

ҳисобланиб, унинг ҳисобот давридаги ойлик обороти, ой охирида қолдиғи аниқланади, яъни ҳар бир счёт бўйича юритилган журнал- ордердаги ёзувлар тартиби олиниб, ой охирига қолдиғи кўрсатилади. Бухгалтерия балансини ҳисобот даври учун тузиш тегишли тайёргарлик ишларидан бошланади. Бундай тайёргарлик ишларига синтетик ва аналитик счётлардаги ёзувларни бир- бири билан таққослаш, тўғрилигини таъминлаш, ойлик айланишларни ҳар бир счёт бўйича ҳисобланиб, ҳисобот даври охирига қолдиқларини аниқлаш, ҳисобот давридаги айланиш ва қолдиқларни бош дафтарга акс эттиришлар киради.

25-машқ. Корхонада транзит счётларда қуйидаги қолдиқлар мавжуд. Берилган маълумотлардан фойдаланиб счётлар схемасини очинг, оператив счётларни ёпинг ва корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тузиб соф фойда ёки зарарни аниқланг.

	Счётлар	Сумма (м.с)
9010	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар	275820
9020	Товарларни сотишдан олинган даромадлар	15480
9030	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар	68510
9110	Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннари	209560
9120	Сотилган товларнинг таннари	9863
9130	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннари	58910
9310	Асосий воситаларни реализация қилинишидан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда	5840
9350	Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар	1600
9390	Бошқа операцион даромадлар	1100
9410	Сотиш бўйича ҳаражатлар	25250
9420	Маъмурий ҳаражатлар	10970
9430	Бошқа операцион ҳаражатлар	7100
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	2800
9540	Валюта курсларидаги фарқдан олинган даромадлар	1100
9530	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	550
9610	Фоизли кўринишдаги ҳаражатлар	5550
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар	5970
9810	Даромадлар (фойда)га солинадиган солиқ бўйича ҳаражатлар	3900
9820	Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳаражатлар	5575

Корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даврида	
		Даромад- лар (фойда)	Харажат- лар (зарарлар)
Махсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум	10		
Сотилган махсулот (товар,иш,хизмат)ларни таннарни	20		
Махсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) сатр 010-020	30		
Давр харажатлари. Жами (сатр 050+060+070+080)	40		
Сотиш харажатлари	50		
Маъмурий харажатлар	60		
Бошка операцион харажатлар	70		
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	80		
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	90		
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 30-040+090)	100		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари Жами (сатр 120+130+140+150+160) шу жумладан:	110		
Дивидентлар шаклидаги даромадлар	120		
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		
Узок муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	140		
Валюта курси фаркидан даромадлар	150		
Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	160		
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр 180+190+200+210) шу жумладан:	170		
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180		
Узок муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190		
Валюта курси фаркидан зарарлар	200		
Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар	210		
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр 100+110-170)	220		
Фавкулддаги фойда ва зарарлар	230		
Даромад солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр 220+/-230)	240		
Даромад (фойда) солиги	250		
Фойдадан бошка соликлар ва йигимлар	260		
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр 240-250-260)	270		

Мавзу: “Статистика” фанининг предмети ва методи

Жамият ҳаёти, турмуши ҳақидаги маълумотларга бўлган амалий эҳтиёж статистикани яратди. Маълумотларда ифодаланган тартиб-қоидаларни англаш иштиёқи, тушунтириш йўллари топиш зарурияти статистикани фан соҳасига айлантирди. Статистика латинча “статус” - аҳвол, ҳолат сўзи билан италянча “стате” - давлат сўзидан келиб чиқиб, давлат аҳволи ҳақидаги фан ҳисобланади. Дастлаб давлатшунослик фани статистика деб аталди. Ҳозирги замон статистикаси давлатшуносликдан ахборотларнинг тўлалиги, турли туманлиги ва характери билан тубдан фарқ қилади. Статистика - бу фан тармоғи, амалий фаолият соҳаси, билим йўналиши, билиш қуролидир. Тасвирий статистика - бу маълумотлар тўплаш, таснифлаш, умумлаштириш ва талқин этиш йўллари дир. Статистиканинг ўрганиш объекти - бу оммавий ҳодиса ва жараёнлар дир. Оммавий ҳодисанинг умумий таърифи: бирор объектлар тўпламида ёки мураккаб объект элементлари мажмуасида юзага чиққан воқеа ҳисобланади. Оммавий жараён умумий таърифи: объектлар тўпламида ёки мураккаб объектда содир бўлган воқеалар оқими, уларнинг ривожланиши ҳисобланади. Оммавий ҳодиса ва жараённинг биринчи муҳим белгиси - унда бир қанча объектлар иштирок этиб, улар ўхшашлик аломатига эга эканлигидан иборат. Оммавий ҳодиса ва жараённинг иккинчи хоссаси - айрим тўплам объектлари, элементлари ўзига хослик аломатига эга бўлиб, мустақил, эркин тарзда амал қилишидан иборат. Оммавий ҳодиса ва жараённинг учинчи хоссаси - тўплам бирор объекти ҳақидаги тафсилларни унинг барча бошқа объектларининг тафсилларидан аниқлаб бўлмаслигидан иборат. Ниҳоят, оммавий ҳодиса ва жараённинг тўртинчи энг муҳим белгиси - унда маълум қонуният юзага чиқиши, аммо у яқка ҳодисада намоён бўлмаслигидан иборат. Оммавий ҳодисанинг аниқ таърифи - бу ҳар қандай ҳодисалар йиғиндиси бўлмасдан, уларнинг шундай тўпламики, унда статистик қонуниятлар намоён бўлади, аммо яқка ҳодисада улар юзага чиқмайди. Статистика услубияти - бу оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, унда намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика фани ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуасидир. Статистик тадқиқот иккита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ва уларда ўзига хос усуллар қўланади. Оммавий ҳодисаларни ўрганишда математика усуллари ҳам ишлатилади. Статистика назарияси ва математик статистика ягона фандир. Стохастик ёки статистик қонунлар - бу бир турли ҳодисаларни оммавий такрорланишида намоён бўладиган қонунлар ҳисобланади. Иқтисодий статистика предмети - бу иқтисодий қонунларнинг миқдорий ифодаланиши, оммавий иқтисодий жараёнларнинг миқдор - сифат аниқлигини ўрганиш. Иқтисодий статистика умум статистика усулларига асосланган, лекин иқтисодиёт шароитга мувофиқлаштирилган услубиятга эгадир.

Мустақил ишлаш учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада

юксалтиришдир” номли асарларидан келиб чиққан ҳолда фаннинг мақсади ва вазифаси.

2. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши дастур ва “Баркамол авлод йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.

3. Статистика тўғрисида умумий тушунча.

4. Статистика фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

5. Статистика фани асосий категориялари ва тушунчалари.

6. Статистика фани услубияти.

7. Бозор иқтисодиёти шароитида статистиканинг тутган ўрни ва аҳамияти.

Мавзу: Деҳқончилик ва чорвачилик статистикаси

Аҳолини ҳаёт фаровонлигини оширишда чорвачилик тармоғини ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Чунки аҳоли сонининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам мумтазам ўсиб бормоқда. Чорвачиликни жадал ривожлантириш билан аҳолини чорвачилик маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноатларини эса ҳам ашё билан таъминлашга имкон туғилади. Чорва рнолларининг бош сонига доир маълумотларни таҳлил қилишда чорвачиликни ҳолати ва ривожланишини тасвирловчи бир неча статистик кўрсаткичлар аниқланади. Улардан энг муҳимлари - чорва моллар бош сони динамикаси, бош сонининг зичлиги, ўрлача моллар бош сони, шартли моллар бош сони. Чорвачилик ҳолатини таҳлил қилишда энг кўп қўлланиладиган кўрсаткич - чорва мол-ларининг бош сони динамикаси кўрсаткичидир. Таҳлил натижасида чорва мол-ларининг бош сонини мутлақ қўшимча ўзгариши, ўсиш (камайиш) сурати кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш икки - базисли ва занжирсимон усулда амалга оширилади.

Молларнинг зичлиги деб ўртача 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга тўғри келадиган моллар боши сонига айтилади, Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун моллар бош сонини қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга нисбатини олиб 100 га кўпайтириш лозим. Хўжаликда чорва молларининг бош сони тез-тез ўзгариб туради, моллар сотилади. сотиб олинади, туғилади ва нобуд бўлади. Шунинг учун уларнинг бош сонини маълум муддатга ҳисоблашдан ташқари исларни бир ойдаги, бир квартал, бир йилдаги ўртача сонини аниқлаш ҳам зарур. Чорвачиликда яна бир асосий кўрсаткич бу подани такрор ишлаб чиқаришдир.

Таянч тушунчалари ва иборалар.

Чорва молларини маълум даврдаги ўртача бош сони
$$X = \frac{\sum Xf}{\sum f}$$

формула орқали ҳисобланади. Бу ерда X - чорва молларини ўртача бош сони;

X - ҳар куни боқилган (озиклантирилган) моллар бош сони;

f - моллар боқилган даврдаги тақвим кунлари сони;

x f - Озуқа кунлар,

Агар чорва молларнинг бош сони ҳар ойнинг 1-санасида маълум бўлса, бундай ҳолда маълум давр (ойлар квартал, йил) учун чорва молларининг ўртача бош сони

$$X = \frac{\frac{1}{2} X_1 + X_2 + \dots + \frac{1}{2} X_n}{n-1}$$

формула орқали ҳисобланади.

Чорва молларининг шартли бош сони чорва Молларининг тлзик бош сонини белгиланган шартли молга айлантириш коэффициентиға кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Пода ҳаракати деб маълум давр ичида моллар бош сони ва таркибида содир бўлган ўзгаришларга айтилади.

Моллар зичлиги-100 гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга тўғри келадиган Моллар бош сонидир.

Молларни қочириш коэффициенти-қочирилган Моллар бош сонини қочириш режалаштирилган Моллар бош сонига бўлиб аниқланади.

Чорва моллардан бола олиш коэффициенти-тирик олинган болалар бош сонини йил бошидаги мавжуд она Моллар бош сонига бўлиб аниқланади.

Она молларни қисир қолиш коэффициенти-қисир қолган она Моллар бош сонини бола бериш учун мўлжалианган барча она моллар бош сонига бўлиб аниқланади.

Молларни сақлаб қолиш коэффициентти ҳаракатдаги моллар бош сонидан нобуд бўлган моллар бош сони айириб, қолган қисмини ҳаракатдаги моллар бош сонига бўлиб аниқланади.

Масалаларни ечиш тартиби ва мустақил ишлаш учун топшириқлар,

Масала. МТПдаги фермер хўжаликларида қорамоллар подаси ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

№	Молларнинг ёш ва жинс гуруҳлари	Йил бошига бош сони	Кирим			Чиқим				Йил охирига бош сони
			насл олиш	ёш гур катта гур ўтказиш	мол сотиб олиш	бошқа гуруҳ ўтказиш	со-тил-ди	хўжа-ликда сўйил	Харом ўлган ва нобуд бўлган	
1	Сигирлар	184		16	2	4	10	5	1	182
2	Буқалар	5		1	1		2			5
3	Хунажинлар	20		19	2	16	2	1		22
4	1 ёшдан катта урғочи бузоқлар	38		3		19	11	5		34
	Буқачалар	58		26		11	41	4	1	27
5	1 ёшгача бўлган урғочи бузоқлар	89				32	3	3	1	50
	Буқачалар	75				26	16	4	1	28
6	Йил давомида туғилган урғочи бузоқ		64					4	2	58
	Буқачалар		86					9	2	75
7	Боқувга қўйилган моллар	18		4			11			11
ЖАМИ		487								492

фермер хўжалигинг яроқли ерлари 930 гектарни ташкил этади.

Берилганлар асосида қўйидагиларни ҳисобланг: Йил охиридаги моллар бош сонини.

2. Қорамоллар ва сигирлар бош сонини ўзгаришини (% ҳисобида).

3. Қорамоллар сонидида сигирлар салмоғини (йил бошида ва йил охирида),

4. Насл олиш кўрсаткичини.

5. Сигирлар подасини тўлдириш учун пода тўлдириш ёшидаги урғочи бузоқлар билан таъминланиш кўрсаткичини (йил бошида ва йил охирида)

6. Подадаги ҳаром ўлиш кўрсаткичини.

7. 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келадиган моллар бош сонини

Чорва моллари бош сонини ўзгаришини таҳлил қилишда қишлоқ хожалик корхоналарида пода ҳаракати тузилади. Пода ҳаракати моллар бош сонини муайян давридаги (йил, чорак, ой) ҳаракатни баланс шаклида ифодалайди.

Пода ҳаракати маълумотлари асосида, подани такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобланади ва бу кўрсаткичлар орқали пода ривожланиши имкониятиари таҳлил қилинади. Масалани биринчи шартда йил охиридаги моллар бош сонини аниқлаш сўраган. Молларни ёш ва жинс гуруҳлари бўйича йил охириги сонини аниқлаш учун молларни йил бошидаги сонига кирим қисмидаги бош сонларни қўшиб, чиқим қисмидаги бош сонлари айрилади. Масалан: сигирларни йил охиридаги сони қўйидагича аниқланади:

$(184 + 16 + 2) - (4 + 10 + 5 + 1) = 202 - 20 = 182$.

Молларни бошқа (ёш ва жинси) гуруҳлари бош сонини ўрганиш худди шу усулда аниқланади ва Жадвал ёзитади.

Масаланинг иккинчи шартда қорамол ва сигирлар бош сони ўзгаришини фоизларда аниқлаш сўралган. Бунинг учун йил охиридаги моллар бош сонини йил бошидаги бош сонига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади. Масалан: Сигирлар бош сони ўзгаришини қўйидагича аниқлаймиз: $(182 : 184) \cdot 100$, яъни уламинг бош сони йил охирида йил бошидагига нисбатан 98.9% ни ташкил этди ёки 1,1% га камайди.

Масаланинг 3 шартини бажариш учун йил бошидаги сигирлар бош сонини йил бошидаги қорамоллар бош сонига бўлинади: $(184 : 487)$. У ҳолда сигирлар салмоғи йил бошида 37.8% ини ташкил этади. Йил охиридаги қора моллар сонидида сигирлар салмоғи юқорида кўрсатилганидек аниқланади,

Масаланинг 4 шартини бажариш учун йил давомида туғилган бузоқтар бош сонини йил бошидаги сигирлар ва ғунажинлар бош сонига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади: $((64 + 86) : (184 + 20)) \cdot 100 = 150 : 204 \cdot 100 = 73,5$ Демак хўжаликда ҳар 100 бош сигирлар ва ғунажинлардан 73,5 бош бузоқ олинган

Масаланинг 5 шартини бажариш учун йил бошидаги ғунажинлар бош сони йил бошидаги сигирлар бош сонига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади: $(20 : 184) \cdot 100$ шунда ғунажинлар билан сигирлар подасини йил бошида 10,8% алмаштириш мумкин дейилади. Демак, йил охиридаги сигирлар подасини тўлдириш кўрсаткичи ҳам худди шундай ҳисобланади: $(22 : 182) \cdot 100 = 12,1\%$

Масаланинг 6 шартини бажариш учун нобуд бўлган моллар бош сонини ҳаракатдаги моллар бош сонига бўлинади (ҳаракатдаги моллар бош сонига йил бошидаги моллар бош сони, туғилган моллар бош сони ва йил давомида четдан

сотиб олинган моллар бош сони таалукли бўлади). Яъни подадаги ҳаром ўлган моллар бош сони 1.4% ни ташкил этади.

Масаланинг 7 шартини бажариш учун, қорамолларўртача йиллик бош сонини қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдонига бўлиб, 100 га кўпайтирилади, шунда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга 52,6 бош қорамол тўғри келади. Сигирлар зичлиги ҳам шундай ҳисобланади.

Хулоса. Ҳисобланилган кўрсаткичлардан кўринадики, хўжаликда йил охирида йил бошига нисбатан қорамолларбош сони 5 бошга ёки 1,03% га кўпайган. Сигирлар бош сон эса 2 бошга ёки 1,1% га камайган. Натижада қорамолларсониди сигирлар салмоғи йил бошидаги 37,8% дан йил охирига келиб 37,0% га тушиб қолган. Йил давомида 150 бош бузоқ туғилган ва насл олиш кўрсаткичи 73,5 га тенг бўлган, яъни ҳар 100 бош сигир ва ғунажиндан 73,5 бош бузоқ олинган. Ғунажинлар сонини 2 бошга кўпайиши натижасида сигирлар подасини тўлдириш кўрсаткичи йит бошидаги 10,8% дан йил охирига келиб 12,1% га етди. Хўжаликда йил давомида 8 бош ёки 1,4% мол ҳаром ўлган. Хўжаликнинг ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерига 52,6 бош қорамол тўғри келади. Бу кўрсаткич сигирлар учун 19,7 ни ташкил этади.

5.1-масала. Фермер хўжалигида л-февралдан 5-февралгача 130 бош, 6-февралдан 10-февралгача 140 бош, л-февралдан 20-февралгача 160 бош ва 21-февралдан 28-февралгача 170 бош сигир бўлган. Сигирларнинг ўртача ойлик бош сонини аниқланг,

5.2-масала. Фермер хўжалигида қорамоллар бош сони 1-январда 92 бош, л-февралда 86 бош, 1-мартда 94 бош ва 1-апрелда 100 бош бўлган. Молларнинг ўртача бош сонини квартал учун ва ҳар бир ой учун аниқланг.

5.3-масала. МТПдаги фермер хўжаликларида қорамоллар бош сони ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Йиллар	1 январга бош сони
1997	510
1998	550
1999	540
2000	495
2001	490
2002	520
2003	560
2004	580
2005	563
2006	554

Берилганлар асосида ҳисобланг:

1. Базисли ва занжирли усулда моллар бош сонини мутлақ ўзгаришини.
2. Базисли ва занжирли усулда ўсиш сур'атини.
3. Базисли ва занжирли усулда қўшимча ўсиш сур'атини.
4. 1 % қўшимча ўсиш сур'атини мутлақ моҳиятини,
5. Ҳисоблаш натижаларини жадвал шактида ифодаланг ва қисқача хулоса ёзинг,

Тавсия этилаётган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик.-Т.: “Чўлпон”, 2011.- 200 б.
2. Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб.– М.: Проспект, 2010 – 272 с.
3. Медведев М. Ю.Теория бухгалтерского учета. Учебник.– М.: «Омега-Л», 2007 – 418 с.
4. Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик.– Т.: Янгиюл полиграфх сервисе, 2007 – 256 б.
5. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004 - 592 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир» ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров – Т.: Иқтисодиёт, 2010.-340 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т.: “Иқтисодиёт” 2010.- 281 б.
4. Карпова Т.П., Карпова В.В. Бухгалтерский учет: упражнения, тесты, решения и ответы: учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010 – 328 с.
5. Ковалев В.В., Ковалев Вит. В. Анализ баланса, или как понимать баланс: учеб.-практич. пособ. – М.: Проспект, 2010 – 560 с.
6. Корнеева Т.А., Шатунова Г.А. Теория бухгалтерского учета в схемах и таблицах: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010 – 240 с.

www.gaap.ru;

www.sip.som;

www.aispa.ord;

www.buxgalt.ru;

www.nevod.ru;

www.bilim.uz;

www.gov.uz.